

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАСУЛОВ НОДИРБЕК МАДРАХИМОВИЧ**

**КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ  
СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УДК 332.012.324.4 (575.1)  
658.1 (575.1)  
УДК 338.45. (575.1)

**Докторлик (DSc) диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the of Doktoral (DSc) dissertation Abstract**

**Расулов Нодирбек Мадрахимович**

Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштириш..... 3

**Расулов Нодирбек Мадрахимович**

Совершенствование методологии стратегического управления инновационных процессов в корпоративных структурах..... 37

**Rasulov Nodirbek Madrahimovich**

Improving the methodology of strategic management of innovation processes in corporate structures..... 71

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications..... 75

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАСУЛОВ НОДИРБЕК МАДРАХИМОВИЧ**

**КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ  
СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Iqt33 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Зайнутдинов Шавкат Нуриддинович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:** **Махмудов Носир Махмудович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Рахимова Дилфуза Нигматовна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Отажонов Шухрат Ибрайимжонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.3/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27» 05 кунни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: [tdiu@tsue.uz](mailto:tdu@tsue.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10/12 рақамли билан рўйхатга олинган).  
(Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-74).

Диссертация автореферати 2021 йил «12» 05 кунни тарқатилди.  
(2021 йил «12» 05 даги 2 рақамли реестр баённомаси).



**М.П. Эшов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

**Д.М. Мавлянова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д. (PhD)

**Ш.Дж. Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д. профессор.

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётида корпоратив тузилмаларни ташкил этиш ва ривожлантириш, улар фаолиятига инновацион жараёнларни татбиқ этиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарини модернизация қилиш, бошқарувнинг замонавий ва самарали усулларини қўллаш иқтисодий тараққиётнинг асосий воситаларидан бирига айланмоқда. «Дунё бозоридаги илмий ҳажмдор маҳсулотларнинг 36 фоизи АҚШ, 30 фоизи Япония, 22 фоизи Хитой давлати ҳиссасига тўғри келади. Ҳар миллион аҳолига нисбатан илмий тадқиқотлар билан банд бўлган мамлакатлар рейтингида 1-ўринда Исроил 8250 нафар, 2-ўринда Жанубий Корея 7113 нафар, 3-ўринда Япония 5210 нафарни ташкил этади. Илмий тадқиқотлари учун Жанубий Корея ЯИМга нисбатан 4,3 фоиз ёки 73,1 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган, Исроил давлати ЯИМга нисбатан 4,2 фоиз, Япония 3,4 фоиз, Швеция эса 3,1 фоиз ёки 14,2 млрд. АҚШ доллари миқдорида илмий тадқиқот ишларини молиялаштирган»<sup>1</sup>. Шунинг учун жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришда корпоратив тузилмалар нисбатан устуворликка эга бўлиб, корпорациялардаги инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштиришни талаб этади.

Жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши шароитида корпоратив тузилма кўринишидаги хўжалик субъектларида инновацион жараёнларнинг стратегик бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш, корпоратив бошқарув иштирокчилари учун очиқликни таъминлаш, корхоналар инновацион ривожлантириш стратегиясини аниқлаш ва улар фаолияти самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган изланишларда корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш механизмларини такомиллаштириш, инновацион жараёнларни стратегик бошқаришнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда корпоратив тузилмалардаги бошқарув тизимидаги ёндашувларни тубдан ўзгартириш, корпоратив муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, давлат улушини қисқартириш, инновацион жараёнларни самарали бошқарувининг халқаро эътироф этилган тамойилларига амал қилиш, мамлакат рақобатбардошлигини ошириш сингари жараёнларни жадаллаштириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг

---

<sup>1</sup> <https://www.worldbank.org>

самарали механизмларини яратиш»<sup>2</sup>, «...иктисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шартидир»<sup>3</sup> – деб кўрсатиб ўтилган ҳамда муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бундай вазифаларнинг самарали ҳал этилиши акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашининг ташкилий асосларини такомиллаштириш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини таъминлаш, йирик ва миноритар акциядорлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятида рискларни бошқариш ва назорат қилиш амалиётини жорий этиш, акциядорлик корхоналари инновацион салоҳиятини рейтинг баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда узоқ муддатли истиқболдаги прогноз параметрларини ишлаб чиқиш ҳамда инновацион жараёнларнинг стратегик бошқарув механизмларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ва 2018 йил 5 майдаги ПҚ-3697-сон «Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3899-сон «Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.**

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сон фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Kim, Gwang Gyu. An analysis of structure and process of corporate alliance development using system architecture frameworks//[www.dspace.mit.edu/handle/1721.1/42362](http://www.dspace.mit.edu/handle/1721.1/42362), Tan, Denise, S.M. Corporate governance: the case for Asian

Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштириш масалалари жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Stanford University (АҚШ), Harvard University (АҚШ), University of Oxford (Буюк Британия), ETH Zurich (Швейцария), National University of Singapore (Сингапур), Tsinghua University (Хитой), Australian National University (Австралия), The University of Tokyo (Япония), University of Toronto (Канада), Seoul National University (Жанубий Корея), Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия), Санкт-Петербург давлат иқтисодиёт университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Урал давлат иқтисодиёт университети, Россия олий иқтисодиёт мактаби (Россия), Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Жаҳон миқёсида корпоратив тузилмалардаги инновацион жараёнларни стратегик бошқаришга оид амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитида корпорациялардаги инновацион жараёнлар самарадорлигига акциядорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орқали таъсир этишининг иқтисодий механизмлари такомиллаштирилган (Euromoney, Лондон); амалиётга жорий этилган инвестицион ва инновацион лойиҳалар билан мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасидаги боғлиқлик эконометрик моделлар орқали исботланган (International Monetary Fund, ХВФ); корпоратив тузилмаларнинг инновацион жозибадорлигига таъсир этувчи менежмент тамойилларига амал қилиш бўйича услубиёт ишлаб чиқилган (Improving system assessment and risk management in the field of innovation activity – Оксфорд университети, Буюк Британия); миноритар акциядорларни молиявий рағбатлантириш ва корпорацияларни трансформациялаш орқали инновацион жараёнларни фаоллаштириш механизмлари таклиф этилган (University of Leeds, Буюк Британия); инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этишда бошқарув стратегияларини ишлаб чиқиш зарурати асослаб берилган (Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Россия); инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги асосланган (Иқтисодиёт ва саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш институти, Россия), инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш такомиллаштирилган (Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон).

Корпоратив тузилмаларнинг инновацион жараёнларининг стратегик бошқарувига оид услубиётларни такомиллаштириш бўйича жаҳонда қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: корпоратив сектор

---

REITs. Massachusetts Institute of Technology// <https://dspace.mit.edu/handle/1721.1/54865>, Principles of Corporate Governance, Harvard Law School Forum on Corporate Governance// <https://corpgov.law.harvard.edu>, Dave Power. Innovation Strategy: 4 Key Tactics of Top Growth Companies// <https://blog.dce.harvard.edu/professional-development/innovation-strategy-4-key-tactics-top-growth-companies>, Innovative Infrastructure Investment/ reports// <https://www.smithschool.ox.ac.uk/research/innovative-infrastructure-investment/outputs.html>.

рақобатбардошлиги ва динамик ривожланишини моделлаштириш; иқтисодиётда мувозанатли корпоратив бошқарув механизмларини яратиш; корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни самарали бошқаришга рақамли технологияларни жорий этиш; инновацион жараёнларни стратегик бошқаришда халқаро стандартларга мувофиқ рискларни бошқариш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш; корпоратив тузилмаларни «ақлли» корхоналарга айлантиришга оид стратегияларни ишлаб чиқиш, давлат улуши бор корхоналарни трансформация қилиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш муаммолари, жумладан, уни такомиллаштириш жиҳатлари билан боғлиқ жараёнлар маҳаллий ва хорижий илмий мактаб олимлари ва мутахассислар томонидан кенг тадқиқ этилган. Жумладан, И.Ансофф, В.Беренс, П.Друкер, А.Клайнкнехт, Г.Менш, М.Портер, Б.Санто, Б.Твисс, О.Тоффлер, К.Фримэн<sup>5</sup>, Г.Хакен, Й.Шумпетер<sup>6</sup> сингари хориж иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Бундай муаммолар йўналишида россиялик иқтисодчи олимлардан И.Т.Балабанов, В.Н.Гунин, Е.А.Лаптева, С.Иванов, Г.Клейнер, Е.Князев, Е.Кузнецова, А.Куклин, В.Г.Медынский, Э.Мингалеева, А.Петров, В.Радаев, О.Романова, А.Самарский, В.Свечникова, Ю.В.Яковец<sup>7</sup> ва бошқаларнинг илмий изланишларида корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни ташкил этиш ҳамда бошқариш масалалари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда корпоратив тузилмалар ва улардаги инновацион жараёнларни стратегик бошқаришга оид илмий изланишлар мамлакатимиз иқтисодчи олимлари А.Рўзматов, Д.Кокурин, Б.Абдуллаев, М.Махкамова, Т.Тошпулатов, Г.Хамдамова, Г.Хасанова, Ҳ.Набиев, Н.Намазова, З.Муқумов, Ш.Отажонов, Ш.Синдаров, И.Солиев, Г.Хатамова, Н.Алимова, А.Ёқубжонов, Р.Назарова, С.Ачилова, З.Гайбназарова, Ш.Назаров, С.Умаров, Г.Шахназарова, Т.Тешабаев, Г.А.Хашимов, Р.Нуриббетов, Д.Суюнов, М.Хамидулин, Д.Қосимова, М.Амонбоев, Н.Пулатов, М.Ташходжаев, Ш.Зайнутдинов, М.Икрамов, Б.Беркинов, Д.Рахимова, Б.Ходиев<sup>8</sup> ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган.

<sup>5</sup> [http://redesist.ie.ufrj.br/globelics/pdfs/GLOBELICS\\_0079\\_Freeman.pdf](http://redesist.ie.ufrj.br/globelics/pdfs/GLOBELICS_0079_Freeman.pdf)

<sup>6</sup> Бовин А.А., Чередникова Л.Е., Якимович В.Я. Управление инновациями в организации: учеб.пособие. – М.: Омега – Л, 2006. – 415 с. 211-212., М.А. Гершман Инновационный менеджмент. – М.: Маркет ДС, 2008. – 200 с., Р. Aghion, N. Bloom, R. Blundell, R. Griffith, P. Howitt Competition and Innovation: An Inverted U Relationship// NBER Working Paper. 2002. 9269., М. Dodgson The management of technological innovation: An international and strategic approach. Oxford University Press, 2000, 248 pp.

<sup>7</sup> Лаптева Е.А. Развитие методов оценки инновационного потенциала промышленных предприятий: авторефер. дис... к.э.н. – Саратов, Россия.: Саратовский государственный технический университет имени Гагарина Ю.А., 2014, 28 с., Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов. 6-е изд. – СПб.: Питер, 2008. 448 с., Цыцарова Н.М. Инновационный менеджмент : учеб. пособие. – Ульяновск: УлГТУ, 2009. – 195 с.

<sup>8</sup> Рўзматов А.А. Экономическое стимулирование инновационной деятельности на предприятиях машиностроительного комплекса Республики Узбекистан: авторефер. дис... к.э.н. – Т.: Институт экономики Академии наук РУз., 1994, 28 с., Кокурин Д.И. Экономическое стимулирование развития предпринимательства в промышленной и инновационной сферах Республики Узбекистан. авторефер. дис... к.э.н. – Т.: Институт экономики АН РУз, 1996, 26 с., Абдуллаев Б.А. Инновацион фаолиятнинг бошқарувини такомиллаштириш. и.ф.н. ... дисс. авторефер. –Т., 2002., 27 б., Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан: авторефер. дис. ...д.э.н. – Т.: ТГТУ, 2004. 45 с., Тошпулатов Т.З. Развитие инновационной

Бироқ мамлакатимизда корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш, инновацион жараёнларнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш, инновацион жараёнларни бошқаришга таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш, уларнинг ўзига хослигини ёритиб бериш, инновацион салоҳиятни баҳолаш асосида инновацион жараёнларни бошқаришга доир услубиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Шу сабабли корпоратив тузилмаларни бошқариш, корпоратив муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, инновацион жараёнларни фаоллаштириш механизмларидан фойдаланиш ҳамда корпоратив тузилмалар инновацион муҳитини ривожлантиришда стратегик бошқарув усулларини жорий этишнинг мақбуллик даражасини ўрганиш ҳамда мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларга мос замонавий ёндашувни амалга ошириш тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети Корпоратив бошқарув кафедрасининг илмий тадқиқот ишлар режаси ҳамда Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига рақобатбардош маҳсулотлар кўпайтиришнинг комплекс усулларини ишлаб чиқиш лойиҳа йўналишидаги 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-20170928153 рақамли «Корхоналарни инновацион ривожланиш шароитида вертикал интеграциядан самарали фойдаланиш йўллари» мавзусида бажарилаётган амалий лойиҳа ҳамда 2017 йил 31 январдаги 18-сонли «Ўзкимёсаноат» АЖ билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўртасида тузилган инновацион-корпоратив ҳамкорлик шартномаси доирасида бажарилган.

---

деятельности в промышленности Республики Узбекистан. авторефер. дис... к.э.н. – Т.: Институт экономики Академии наук Рес. Уз., 2004, 24 с., Г.А. Хамдамова. Совершенствование организации управления маркетингом на предприятиях в условиях технологических инноваций (на материалах предприятий телекоммуникаций Республики Узбекистан. авторефер. дис... к.э.н. – Т.: ТГТУ., 2005, 24 с., Г.Д.Хасанова. Саноат корхоналари инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш. и.ф.н. ... дисс. авторефер. – Т., БухДУ, 2006., 26 б., Набиев Ҳ.М. Минтақаларда нефть ва газ тармоқларини инновациявий тараққий эттириш. И.ф.н. ... дисс. авторефер. – Т., Плеханов номидаги Россия давлат иқтисодиёт университети Тошкент филиали, 2008., 23 б., Намазова Н.Д. Повышение качества трудового потенциала Узбекистана на основе развития инновационно-образовательной системы. Авторефер. дис... к.э.н. – Т.: Институт экономики Академии наук РУз., 2009, 28 с., Т.З.Тешабоев. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқаришни такомиллаштириш. и.ф.д. (DcS)... дисс. авторефер. – Т.: ТДИУ, 2019., 83 б., З.А. Мукумов. Инновацион фаолият харажатлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масалалари» («Ўзнефтегазмаш» АК корхоналари мисолида). и.ф.н. ... дисс. авторефер. – Т.: Ўз.Р БМА, 2010., 27 б., Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш. и.ф.д. (DcS) ... дисс. авторефер. – Т.: ТДИУ, 2018., 95 б., Синдаров Ш.Э. Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолиятида инновацион жараёнлардан фойдаланишнинг иқтисодий механизми. и.ф.н. ... дисс. авторефер. – Т.: Ўз.Р.Ф.А, Иқтисодиёт институти, 2010., 25 б., Солиев И.И. Развитие инновационных процессов в сфере связи и информатизации Узбекистана. авторефер. дис... к.э.н. – Т.: Институт экономики АН РУз, 2010, 23 с., Хатамова Г.Р. Корпоратив тузилмаларда инновацион стратегия механизмини такомиллаштириш («Тошкент трактор заводи» ОАЖ мисолида). и.ф.н. ... дисс. авторефер. – Т.: ЎзР ФА, Иқтисодиёт институти, 2010., 26 б., Назарова Р.Р. Управление внешнеэкономической деятельностью в Узбекистане на основе инновационного развития в условиях глобализации. авторефер. дис... д.э.н. – Т.: ТГЭУ., 2011, 48 с.

**Тадқиқотнинг мақсади** корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштиришнинг назарий-услубий жиҳатларини ривожлантириш ҳамда ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни бошқаришнинг назарий-услубий жиҳатларини ўрганиш;

корпоратив тузилмаларнинг бозор шароитларига мослашувини таъминлашда инновацион жараёнларни бошқаришнинг илмий жиҳатларини ривожлантириш;

корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнлар интенсивлашувига олиб келувчи рақобат муҳитини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни тадқиқ қилиш;

инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг мезон ва усулларини ишлаб чиқиш;

корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни фаоллаштиришнинг сценарийсини ишлаб чиқиш;

инновацион жараёнларни стратегик бошқаришнинг самарали воситаларидан фойдаланиш асосида «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2035 йилгача прогноз параметрларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Ўзкимёсаноат» АЖ ва унинг таркибидаги акциядорлик жамиятларидаги инновацион жараёнлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон Республикасидаги корпоратив тузилмаларнинг инновацион жараёнларини бошқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ фаолият ва уларда вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ҳамда стратегик бошқариш услубиётини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий масалалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли, иқтисодий-статистик, корреляцион-регрессион таҳлил, монографик тадқиқот, статистик танланма, гуруҳлаш, қиёслаш, сўровнома ва бошқа усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кузатув кенгаши таркибидаги мустақил аъзолар сонини камида учдан бир қисмга қадар ошириш орқали акциядорлик жамиятларидаги турли манфаатдор гуруҳларнинг кузатув кенгаши қарорига бир томонлама таъсирининг олдини олиш ҳамда бошқарув самарадорлигини таъминлаш асосланган;

корпоратив бошқарувнинг назорат ва ҳисобдорлик механизмларининг янада самарали ишлашини таъминлаш, молиявий рағбатлантиришни кафолатлаш ҳамда кузатув кенгаши аъзоларини акциядорлар олдидаги жавобгарлик ва масъулиятини ошириш мақсадида кузатув кенгашлари ваколат муддатини бир йилдан камида уч йилгача узайтириш асосланган;

жамиятнинг йирик акциядорлари (инвесторлар) билан миноритар акциядорлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш эвазига корхонанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш учун акциядорлик жамиятлари фаолиятига «акциядорлик келишуви» (shareholders agreement) воситасини

қўллаш ёрдамида рискларни бошқариш ва назорат қилиш амалиётини жорий этиш таклифи асосланган;

акциядорлик жамиятлари инновацион салоҳиятини белгиловчи кўрсаткичлар таркибига «инновацион инфратузилма» ва «инновацион фаолият натижадорлиги» индикаторларини киритиш орқали корхоналарнинг инновацион салоҳиятини рейтинг баҳолаш тизими такомиллаштирилган;

акциядорлик жамиятларидаги инновацион жараёнларнинг асосий тенденциялари ҳамда уларни стратегик бошқаришнинг самарали воситаларидан фойдаланиш асосида «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2035 йилгача прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни самарали бошқариш воситаларидан фойдаланиш йўллари ёритиб берилган;

корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни ташкилий-бошқарув механизми функционал ёндашув асосида такомиллаштирилган ҳамда корпоратив муносабатларни рағбатлантиришга узвий боғлиқлиги аниқланган;

корпоратив тузилмаларда рақобат муҳитини шакллантириш корхоналардаги инновацион жараёнларнинг интенсивлашувига олиб келиши асосланган;

корпоратив тузилмаларнинг инновацион салоҳиятини рейтинг асосида баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

корпоратив тузилмаларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичларини баҳолаш услубиёти такомиллаштирилган;

корхоналардаги инновацион фаолият бошқарувини самарали ташкил этишнинг мақбул вариантларини танлашга имконият яратувчи инновацион жараёнларни фаоллаштириш бўйича сценарий ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика ва эконометрика усуллари ёрдамида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган услубий таклифлар, илмий асосланган тавсия ва хулосалар инновацион жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш, улардан инновация фаолияти субъектларида инновацион менежментнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари асосларини такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти корпоратив тузилмалар инновацион фаолияти самарадорлигини таъминлаш ҳамда корхоналарнинг инновацион салоҳиятини ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурларда ҳамда соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади,

шунингдек, назарий ва статистик материаллардан олий таълим муассасаларида «Инновацион менежмент», «Инновацион иқтисодиёт» каби фанларни ўқитишда кенг фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

корпоратив тузилмалардаги инновацион жараёнларни фаоллигига таъсир этувчи бошқарув воситаларидан самарали фойдаланиш, хорижий капитални жалб этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида жамият кузатув кенгаши таркибидаги мустақил аъзолар сонини камида учдан бир қисмга қадар ошириш таклифи ҳамда стратегик бошқарувга оид услубий ёндашувлар «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги «Аммофос-Максам» АЖнинг фаолиятига жорий этилган (2017 йил 31 январда Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан «Ўзкимёсаноат» АЖ ўртасида тузилган инновацион-корпоратив ҳамкорлик тўғрисидаги 18-сонли шартнома ҳамда «Аммофос-Максам» АЖнинг 2017 йил 20 июндаги маълумотномаси). Бу ёндашувлар «Аммофос-Максам» АЖнинг инновацион салоҳиятини ошириш мақсадида мавжуд активлардан самарали фойдаланиш ҳамда корпоратив бошқаришнинг замонавий усуллари жорий қилиш бўйича 2018-2022 йиллар учун мўлжалланган «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқишда муайян даражада хизмат қилган;

«Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналари мисолида корпоратив бошқарувнинг ташкилий воситаларини такомиллаштириш ҳамда акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашлари ваколат муддатини бир йилдан камида уч йилгача узайтирилиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 2 сентябрдаги 483/08-02-сон маълумотномаси). Бу таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида кузатув кенгаши аъзоларини акциядорлар олдидаги жавобгарлик ва маъсулиятини ошириш, корпоратив бошқарувнинг назорат ва ҳисобдорлик механизмларини янада самарали ишлашнинг таъминлаш орқали акциядорлик жамиятларининг самарадорлиги яхшиланишига асос бўлган;

жамиятнинг йирик акциядорлари (инвесторлар) билан миноритар акциядорлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш орқали рискларни бошқариш ва назорат қилиш амалиётини жорий этиш учун акциядорлик жамиятлари фаолиятига «акциядорлик келишуви» (shareholders agreement) воситасини қўллаш таклифи давлат улуши сотилаётган акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 2 сентябрдаги 483/08-02-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф акциядорлик жамиятлари амалиётга жорий этилиши натижасида миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми янада мустаҳкамланган;

акциядорлик жамиятлари инновацион салоҳиятини баҳолашнинг рейтинг

кўрсаткичлар таркибига киритилган «инновацион инфратузилма» ва «инновацион фаолият натижадорлиги» индикаторлари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан маъқулланиб, вазирлик томонидан мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг инновацион фаоллигини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 21 июлдаги 05-30/2845-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф акциядорлик жамиятлари фаолиятига инновацион ёндашувлар орқали меҳнат унумдорлигини ошириш, соҳанинг рақобатбардошлигини кучайтириш бўйича аниқ механизм ва тадбирларни ривожлантириш ҳамда устувор соҳаларга амалий, фундаментал лойиҳаларни йўналтиришга сабаб бўлган;

«Ўзкимёсаноат» АЖнинг корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичлари, унинг инновацион фаолияти билан боғлиқ омилларни тизимли ўрганиш асосида 2035 йилгача ишлаб чиқилган прогноз параметрлари, услубий ёндашувлар, ўтказилган сўровнома натижалари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тармоқ корхоналарининг инновацион фаоллигини ўрганиш бўйича услубиётини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 21 июлдаги 05-30/2845-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар вазирлик томонидан тармоқ корхоналарининг инновацион ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш, тармоқ корхоналарининг инновацион муҳитини яхшилаш, ҳолатини баҳолаш ва уларни ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш учун татбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 41 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 19 та халқаро ва 22 та республика илмий-амалий анжуманларида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 66 та илмий иш, шу жумладан, 2 та илмий монография, 21 та илмий мақола, шундан 7 таси хорижий илмий журналларда нашр қилинган. 14 та илмий иш Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

**Тадқиқот ишининг тузилиши.** Тадқиқот иши кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, 206 бетни ташкил этди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистондаги фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни бошқаришнинг назарий-услубий асослари»** деб номланиб, унда корпоратив тузилмаларнинг бозор шароитларига мослашувини таъминлашда инновацион жараёнларни бошқаришнинг зарурлиги, корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни бошқаришнинг назарий-услубий асослари, корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларнинг хусусияти ва тамойиллари тадқиқ қилинган.

Корпоратив тузилмаларнинг инновацион салоҳияти, бошқарув самарадорлиги давлат томонидан самарали ва изчил амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати, хусусий мулкчилик соҳасидаги ислохотлар, ривожланган хориж тажрибасини татбиқ этиш ҳамда инновацион жараёнларни янада фаоллаштириш механизмларига боғлиқ бўлиб, кенг кўламда ўрганилиши зарур долзарб илмий ва амалий масала ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида корпоратив тузилмаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида «инновацион фаолият», «инновацион муҳит», «инновацион жараён», «инновацион салоҳият», «инновацион фаоллик» ҳамда «корхоналарнинг инновацион жозибадорлиги» сингари тушунчаларнинг мазмуни, моҳияти, уларни баҳолаш, уларга таъсир этувчи омилларни назарий-услубий жиҳатлари ёритиб берилган. Мазкур муаммоларни ўрганишда хорижий иқтисодчи олимлардан Й.Шумпетер, А. Смит, Г.Менш, К.Фримэн, П.Друкер, Б.Санто, Ш.Тацуно, Р.Робинсон, Д.Сахал, М. Портер, Б.Твисс, К.Фримэн, А.Хэмилтон, П.Уайт, Э.Мэнсфилд, Ж.Д. Бернал, Н.Д.Кондратьев, П. Сорокин, С. Кузнец, С.Ю.Глазьев, Р.А.Фатхутдинов ва бошқаларнинг илмий изланишларидаги таклиф ва тавсиялари чуқур тадқиқ этилган.

Жумладан, буюк шотландиялик иқтисодчи Адам Смит 1776 йилда чоп этилган «The Wealth of Nation» номли илмий асарида нафақат бозор тизимидаги талаб ва таклиф нисбати, балки янги технологиялар ёрдамида корхоналарнинг рақобатбардошлигини янада ошириш тўғрисида ўз фикрларини баён этган<sup>9</sup>. Кейинчалик А. Смитнинг бу илмий фикрлари янада кенг ва салмоқли аҳамият касб эта бошлади. Шунинг учун ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларнинг йирик ташкилот ва компанияларида дунё бозорларидаги рақобат курашида инновациялардан амалий омил сифатида фойдаланилмоқда.

---

<sup>9</sup> Костенко М.А. Правовые основы инновационной деятельности: Учебное пособие. – Таганрог: ТТИ ЮФУ, 2012, 72 с.

«Узун тўлқинлар» назарияси орқали инновацияларнинг фундаментал асослари шаклланишига асос солган рус иқтисодчиси Н.Д.Кондратьевнинг тадқиқотларини инновацияларни назарий ўрганишга қаратилган дастлабки илмий изланишлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин<sup>10</sup>.

Кейинчалик унинг илмий фикрлари Й.Шумпетер томонидан ривожлантирилди. Й.Шумпетер иқтисодиётдаги «Узун тўлқинлар назарияси» пайдо бўлишида техник ўзгаришлар асосий ўрин тутишини исботлади. Яна бир америкалик иқтисодчи Б.Твисс ўз тадқиқотларида инновацияларга жараён сифатида эътибор қаратиб, тадқиқотлар, ғояларни кашфиёт ва янгиликларга айланишининг муваффақиятлилиги инновацион муҳитнинг шаклланишига боғлиқ эканлигини ўрганиб чиққан. Унинг фикрича, «инновация» жараён бўлиб, унда ғоя, кашфиёт ёки тадқиқотларнинг натижаси акс этади.

Инглиз олими Кристофер Фримэн ўз илмий тадқиқотларини асосан «миллий инновацион тизим» (МИТ) ва уни ривожлантириш билан боғлиқ изланишларга қаратди. Нидерландиялик тадқиқотчи олим Альфред Кляйнкнехт Г.Меншнинг назарий фикрларининг кўпгина жиҳатларини танқидий қарши олди ва ривожлантирди. У Г.Меншнинг иқтисодиётнинг ривожланишини депрессия босқичида янгиликларни кластерлаштириш усули орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги фикрларни илгари сурган.

Маҳаллий олимларимиз томонидан инновацион фаолиятни ривожлантириш, иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида инновацион муҳитни шакллантириш, инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланишнинг назарий ва амалий масалаларига оид ишлар билан Б.Абдуллаев, Н.Алимова, З.Гаибназарова, Д.Коқурин, М.Махкамова, З.Муқумов, О.Назаров, Р.Назарова, Н.Намазова, Ш.Отажанов, Ш.Синдаров, Т.Тошпулатов, Г.Хамдамова, Б.Холиков ва бошқалар шуғулланганлар. Ўзбекистонда инновацион фаолият билан боғлиқ дастлабки илмий тадқиқотлар А.А.Рўзматов<sup>11</sup> ва Д.М.Коқурин<sup>12</sup> томонидан амалга оширилган. Жумладан, А.Рўзматов 1992-1994 йиллардаги тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасининг машинасозлик соҳасини ривожлантиришда инновацион фаолиятни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганлардан фарқли ўлароқ, мазкур тадқиқотда корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштириш бўйича назарий фикр ва ёндашувлар умумлаштирилган (1-расм).

<sup>10</sup> Алексеев А. А. Инновационный менеджмент. Учебник. – Москва, Юрайт. 2015, 276 с.

<sup>11</sup> Рўзматов А.А. Экономическое стимулирование инновационной деятельности на предприятиях машиностроительного комплекса Республики Узбекистан: авторефер. дис... к.э.н. – Т.: Институт экономики АН РУз., 1994, 28 с.

<sup>12</sup> Коқурин Д. И. Экономическое стимулирование развития предпринимательства в промышленной и инновационной сферах Республики Узбекистан. авторефер. дис... к.э.н. – Т.: Институт экономики АН РУз., 1996, 26 с.



**1-расм. Корпоратив тузилмаларда иновацион жараёнларнинг стратегик бошқарув воситалари<sup>13</sup>.**

<sup>13</sup> Муаллиф ишланмаси.

1-расмда корпоратив тузилмаларнинг бозор шароитларига мослашувини таъминлашда инновацион жараёнларни самарали бошқариш воситалари сифатида ички ва ташқи омилларни эътиборга олиш муҳимлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган. Адабиётлар таҳлили ва олимларнинг корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларнинг интенсивлашувига олиб келувчи воситаларига берилган турли таърифлар, фикр ва илмий ёндашувларни умумлаштириб, инновацион жараёнларни самарали бошқаришнинг ташқи воситаларига корпоратив тузилмаларнинг институционал асослари, давлат ва акциядорлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, давлатнинг инвестицион ва инновацион сиёсати ҳамда ташқи аудит ва назорат асосий воситалардан бири эканлигини таъкидлаш мумкин.

Ички омилларга мулкдор ва ходимлар, бошқарувчи (топ-менежмент) манфаатлари, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда молиявий ҳолатни акс эттирувчи кўрсаткичларни киритиш мумкин. Айнан ички омиллар, яъни акциядорлик жамиятлари кузатув кенгаши таркибидаги мустақил аъзолар сонини камида учдан бир қисмга қадар ошириш орқали фонд бозори ликвидлиги таъминланади. Шу билан бирга хорижий капитални жалб этиш ва халқаро бозорларга кириш имкониятлари кенгайди. Шу воситалар орқали корпоратив тузилмалардаги инновацион жараёнларни самарали бошқариш муҳим ижобий натижаларга эришишда асос бўлади.


Ривожланган мамлакатлар амалиётида корпоратив тузилмалардаги инновацион жараёнларни стратегик бошқариш, корхонанинг истиқболли дастурларини амалга ошириш, инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этишда ҳуқуқий жиҳатдан яхлит ташкилий-бошқарув механизм сифатида белгилаб қўйилади.

Диссертация ишида стратегик бошқарув механизми корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни самарали бошқариш, уларни фаоллашувига ҳамда тартибга солишга таъсир этувчи усул ва воситалар мажмуи сифатида таърифланади, яъни у бошқарувни ташкилий жиҳатдан тартибга солишнинг воситалари, шакллари ва дастакларини ўз ичига олади. Стратегик бошқарув механизмлари ёрдамида корпоратив бошқарув органларининг ўзаро таъсири ва муносабатлари юз беради (2-расм).

Бошқарувнинг ташкилий механизми бошқарув объектига таъсир этишнинг иқтисодий дастаклари, услуб ва усулларини ўз ичига олса, бошқарув механизми эса бошқарув дастаклари, услуб ва усуллари мажмуи ҳисобланади. Шунинг учун тадқиқот ишида инновацион жараёнларни стратегик бошқаришда акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашлари ваколат муддатини бир йилдан камида уч йилгача узайтириш таклиф этилган.

Мазкур таклиф орқали акциядорлик жамиятларида корпоратив муносабатлар иштирокчилари манфаатларини таъминлаш масаласи белгилаб қўйилади. Бу эса стратегик бошқарув механизмларининг самарали ишлашини таъминлайди. Демак, корпоратив тузилмалардаги инновацион жараёнларни стратегик бошқарув механизми – корпоратив муносабатларда иштирок этувчи манфаатдор субъектларнинг самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда ўзаро манфаатларини белгиловчи ташкилий омиллар ҳамда бошқарув

субъектлари томонидан инновацион жараёнларга таъсир этиш усуллари, дастак ва шакллари мажмуидир. Корпоратив тузилмаларнинг стратегик бошқарув механизми корпорацияларнинг бошқарув органлари ўртасидаги самарали алоқаларни амалга ошириш, инновацион жараёнлар интенсивлашувига таъсир этувчи дастак ва усуллари ёрдамида корхонани иқтисодий самарадорликка етакловчи тизимли бошқарувни амалга оширишни таъминлайди.



**2-расм. Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларнинг стратегик бошқарув механизми<sup>14</sup>.**

<sup>14</sup> Муаллиф ишланмаси.

Диссертацияда, шунингдек, корпоратив тузилманинг моҳияти, инновацион жараённинг мазмуни услубий жиҳатдан ривожлантирилди, хусусан:

корпоратив тузилманинг турли кўринишлари аниқланиб, корпоратив муносабатларнинг инновацион жараёнга таъсири илмий жиҳатдан асосланди;

рақобат муҳитини корпоратив тузилмалардаги инновацион жараёнларнинг интенсивлашувига олиш келиши исботланди;

«корпоратив тузилма», «инновацион жараён», «инновацион салоҳият», «инновацион фаоллик», «инновацион инфратузилма» тушунчаларининг моҳияти услубий жиҳатдан ёритиб берилди ва улар бир-биридан фарқловчи алоҳида тушунчалар эканлиги исботланди;

инновацион жараёнларни бошқариш соҳасида кенг қўлланилувчи, «корпоратив тузилма», «корпоратив муносабатлар», «корпоратив бошқарув», «инновацион жараён» «инновацион салоҳият», «инновацион фаоллик», «инновацион инфратузилма» сингари атамалар, уларнинг корхонага таъсири бўйича тартиблаштирилди ва моҳияти аниқлаштирилди.

Тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда жаҳон ва миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бўлган иқтисодиётни инновацион ривожлантириш борасида таҳлилларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шундан келиб чиқиб, айрим ривожланаётган мамлакатларнинг ЯИМга нисбатан ИТТК ишларига харажатлари таҳлил қилинди (1-жадвал).

**1-жадвал**


**Ривожланган мамлакатларнинг ЯИМга нисбатан  
ИТТКга сарфлаган харажатлари<sup>15</sup>, (%да)**

№	Мамлакатлар	ЯИМга нисбатан харажатлар		Ҳар бир миллион кишига тўғри келадиган тадқиқотчилар сони, киши
		фоизда	млрд. АҚШ	
1.	Жанубий Корея	4,3	73,1	6856
2.	Исроил	4,2	9,9	8250
3.	Япония	3,4	131,8	5328
4.	Швеция	3,1	14,2	6877
5.	Германия	2,9	109,5	4318
6.	АҚШ	2,7	476,4	4217
7.	Франция	2,3	38,5	4233
8.	Сингапур	2,2	10,0	6729
9.	Хитой	2,0	370,6	1096
10.	Буюк Британия	1,7	43,8	4254
11.	Россия	1,1	40,3	3094
12.	Ҳиндистон	0,8	48,0	156
13.	Қозоғистон	0,2	0,718	790
14.	Ўзбекистон	0,2	0,342	500

<sup>15</sup> <https://www.worldbank.org>

1-жадвал маълумотларига кўра, айрим ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 70-90 фоизи айнан инновация фаолиятини ривожлантириш ҳисобига яратилмоқда<sup>16</sup>. Чунончи, 2018 йилда мамлакатлар кесимида ИТТК ишларига ажратилаётган харажатлар бўйича Жанубий Корея юқори ўринни эгаллаган. Мазкур мамлакат илмий тадқиқотлари учун ЯИМга нисбатан 4,3 фоиз ёки 73,1 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган, Исроил давлати ЯИМга нисбатан 4,2 фоиз, Япония 3,4 фоиз, Швеция эса 3,1 фоиз ёки 14,2 млрд. АҚШ доллари миқдорида илмий тадқиқот ишларини молиялаштирган. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 0,2 фоиз атрофида эканлигини кузатиш мумкин. Дунё бозоридаги илмий сифими юқори бўлган маҳсулотларнинг 36 фоизи АҚШга, 30 фоизи Японияга, 22 фоизи Хитой давлатига тўғри келмоқда<sup>17</sup>.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, ҳар миллион аҳолига нисбатан илмий тадқиқотлар банд мутахассислар сони бўйича мамлакатлар рейтингида 1-ўринда Исроил 8250 нафар, 2-ўринда Жанубий Корея 7113 нафар, 3-ўринда Япония 5210 нафарга тўғри келмоқда<sup>18</sup>. Бунга асосий сабаблардан бири ривожланган мамлакатларда давлат томонидан илмий тадқиқот ишларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир.



**3-расм. Ўзбекистонда 2019 йилда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажарилганлиги тўғрисида маълумот<sup>19</sup> (млрд.сўмда).**

3-расм маълумотларига кўра, 2019 йилда Ўзбекистонда 853,4 млрд. сўмга тенг, жами 17 845 та илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари


<sup>16</sup> <https://theworldonly.org>.

<sup>17</sup> Желткова О. В. Инновационная привлекательность предприятия как фактор технологической модернизации производства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 2016, 24 стр.

<sup>18</sup> <https://www.worldbank.org>.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги маълумотлари.

бажарилган бўлиб, ишлаб чиқариш тармоғининг салмоғи 6,8 фоизни ташкил этган ёки 1205 та ишлар бажарилган холос. Бундан иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоғи корхоналарида инновацион жараёнларнинг ҳолати сушт эканлигини кузатиш мумкин. Шунинг учун корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлиги илмий тадқиқот натижалари ва фан сиғими юқори технологиялар ҳисобига оширилиши инновацион жараёнларни ташкил этиш ҳамда ривожлантиришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.



**4-расм. Ўзбекистонда бажарилган илмий тадқиқотлар сони тўғрисида маълумот<sup>20</sup> (2017-2019 йиллар).**

2019 йилда бажарилган илмий-тадқиқотларнинг сони уч йилда деярли икки баробарга ошган бўлса-да (+6792), лойиҳа-конструкторлик ва технологик ишлар сонида барқарорлик кузатилмаган. Чунки 2019 йилда лойиҳа-конструкторлик ва технологик ишлар бўйича сўнги уч йилликдаги энг паст кўрсаткич кузатилди (406), тажриба-намуналар партиялари, маҳсулотлар тайёрлаш ишлари бўйича кўрсаткич беш баробарга камайган, яъни 2017 йилдаги 381 тадан 2019 йилда 310 тага камайиб, 71 тани ташкил этган.

Демак, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ишлар иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари фаолиятига бевосита тааллуқлиги ҳисобга олинса, тармоқларда инновация ва тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги кўринмоқда ва ушбу йўналишда ишларни жадаллаштириш талаб этилади.


Тадқиқотнинг «**Корпоратив тузилмаларда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг институционал йўналишларини услубий асослари ва уларнинг татбиқи**» деб номланган иккинчи боби республикамиз корпоратив тузилмаларида рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи иқтисодий омилларни таснифлаш, рақобат муҳити ва инновацион салоҳият ўртасидаги боғлиқликни асослаш ҳамда корпоратив тузилмалар

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги маълумотлари.

рақобатбардошлигини оширишда инновацион стратегияларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ёритишга бағишланган.

Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ривожланишида корпоратив тузилмаларда олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар, модернизациялаш жараёнлари ва маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш соҳасидаги ислохотлар муҳим долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки корпоратив тузилмалар аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини ошириш билан бирга миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида баён этилган назарий ва амалий ёндашувлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда фаолият юритаётган корпоратив тузилмаларнинг рақобатбардошлик даражасини баҳолаш босқичлари гуруҳланган ҳолда бир тизимга келтирилди (5-расм).



**5-расм. Корхона рақобатбардошлик даражасини баҳолаш босқичи<sup>21</sup>.**

5-расмдан кўринадики, корxonанинг рақобатбардошлик даражасини баҳолаш учун унинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари молиявий,

<sup>21</sup> Расм илмий манбалар асосида муаллиф томонидан ишланган.

ишлаб чиқариш, маркетинг, бошқарув ва инвестицион жозибadorликни ўзида акс эттирувчи гуруҳларга бўлинади.

2-жадвал

Корхона рақобатбардошлик кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари<sup>22</sup>

	№	Кўрсаткичлар номи	Ҳисоблаш усули	Шартли белгилар	Шартли белгилар мазмуни
Молиявий	1.	Корхона рентабеллиги	$K_p = C_f / T_m$	$K_p, C_f, T_m$	$C_f$ – соф фойда, $T_m$ – маҳсулотни сотишдан кейинги тушум
	2.	Активлар рентабеллиги	$A_p = C_f / Ж_{ўк}$	$A_p, Ж_{ўк}$	$Ж_{ўк}$ – активларнинг ўртача йиллик қиймати
	3.	Хусусий капитал рентабеллиги	$X_p = C_f / X_{ўк}$	$X_p, X_{ўк}$	$X_{ўк}$ – хусусий капиталнинг ўртача йиллик қиймати
	4.	Жорий ликвидлик коэффиценти	$Ж_{лик} = ПМ + МК_{к} + ДҚ_{с} + ТМЗ / M_{км}$	$ПМ, МК_{к}, ДҚ_{с}, ТМЗ, M_{км}$	$ПМ$ – корхонанинг мул маблағлари, $МК_{к}$ – қисқа муддатли молиявий кўйилмалар, $ДҚ_{с}$ – соф дебиторлик қарзи, $ТМЗ$ – товар моддий захиралар, $M_{км}$ – корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари
Ишлаб чиқариш	5.	Фаол айланма маблағлар	$Ф_m = Ж_a - Ж_m$	$Ж_a, Ж_m$	$Ж_a$ – жорий активлар; $Ж_m$ – жорий мажбуриятлар
	6.	Фонд қайтими	$Ф_k = M_{иx} / B_{ўк}$	$M_{иx}, B_{ўк}$	$M_{иx}$ – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми; $B_{ўк}$ – асосий воситаларининг ўртача йиллик қиймати
	7.	Тўлов қобилияти коэффиценти	$T_{кк} = A_{ў} / ЖМ$	$A_{ў}, ЖМ$	$A_{ў}$ – айланма маблағлар миқдори, $ЖМ$ – жорий мажбуриятлар ҳажми
	8.	Дебиторлик маблағларнинг айланиш коэффиценти	$D_{ак} = T_m / Дк$	$T_m, Дк$	$Дк$ – соф дебиторлик қарзларнинг ўртача йиллик қиймати
	9.	Кредиторлик қарзларнинг айланиш коэффиценти	$K_{ак} = M_t / K_k$	$M_t, K_k$	$M_t$ – сотилган маҳсулотлар таннархи; $K_k$ – кредиторлик қарзларнинг ўртача йиллик қиймати
Маркетинг	10.	Бозор улуши коэффиценти	$B_{ўк} = B_{мс} / Ж_{ст}$	$B_{мс}, Ж_{ст}$	$B_{мс}$ – муайян бозорда сотилган маҳсулот қиймати; $Ж_{ст}$ – жами сотилган маҳсулот қиймати
Бошқарув	11.	Кўнимсизлик коэффиценти	$K_{ик} = (P_{иб} / P_c) * 100$	$P_{иб}, P_c$	$P_{иб}$ – ишдан бўшаганлар сони; $P_c$ – рўйхатдаги ишчиларнинг сони
	12.	Меҳнат унумдорлиги	$M_y = M_{иx} / P_c$	$M_{иx}, P_c$	
	13.	Ўртача иш ҳақи	$Ў_{иx} = Ф_{иx} / P_c$	$Ф_{иx}, P_c$	$Ф_{иx}$ – муайян даврдаги иш ҳақи фонди
	14.	Манёврлашганлик коэффиценти	$M_k = A_{ўй} / X_{ў}$	$A_{ўй}, X_{ў}$	$A_{ўй}$ – ўз айланма маблағлар миқдори
Инвестицион жозибadorлик	15.	Автономия коэффиценти	$M_k = X_{ўк} / Ж_{ўк}$	$X_{ўк}, Ж_{ўк}$	
	16.	Молиявий қарамлик коэффиценти	$M_{кк} = K_{кк} / X_{ўк}$	$K_{кк}, X_{ўк}$	$K_{кк}$ – қарз эвазига жалб этилган капитал қиймати;
	17.	Акциянинг баланс қиймати	$A_{бк} = X_{ўк} - I_{ак} / M_{ас}$	$X_{ўк}, I_{ак}, M_{ас}$	$I_{ак}$ – имтиёзли акциялар қиймати; $M_{ас}$ – муомаладаги акциялар сони
	18.	Акциялар рентабеллиги	$P_a = C_f / M_{ас}$	$C_f, M_{ас}$	

<sup>22</sup> Жадвал илмий манбалар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, корхонанинг рақобатбардошлик даражасини баҳолаш учун унинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари молиявий, ишлаб чиқариш, маркетинг, бошқарув ва инвестицион жозибадорликни ўзида акс эттирувчи гуруҳларга бўлинади. Кейинги босқичда фаолият йўналишига кўра тавсифланган кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади. Олинган натижалар таққослама кўринишга келтирилиб рақобатбардошлик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Бунинг учун И.Ансофф томонидан ишлаб чиқилган услубиётга асосан юқоридаги 18 та кўрсаткич асосида «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги 5 та корхонанинг рақобатбардошлик кўрсаткичлари баҳоланди<sup>23</sup>. Мазкур услубиётда  $R_j$  0 дан 4 оралиғида бўлиши И.Ансофф томонидан мақсадга мувофиқ эканлиги кўрсатиб ўтилган, яъни  $R_j$  рақобатбардошлик кўрсаткичи 0 дан 4 оралиғида бўлиб,  $R_j$  0 қийматига яқин бўлса, рақобатбардошлик даражаси қониқарсиз, 4 га яқин бўлса, корхонанинг рақобатбардошлик кўрсаткичи юқори бўлади.  $R_j$  қийматларни И. Ансофф таклиф этган шартлар асосида  $0 < R_j < 1,6$  – қониқарсиз;  $1,6 < R_j < 2,8$  – қониқарли;  $2,8 < R_j < 3,2$  – яхши;  $3,2 < R_j < 4$  – юқори даражада бўлиши таъкидлаб ўтилган. Шу шартлар асосида тадқиқот объекти бўлган корхоналарнинг рақобатбардошлик кўрсаткичлари ҳисобланган.

3-жадвал

**«Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги айрим корхоналарнинг рақобатбардошлик кўрсаткичлари тўғрисида маълумот<sup>24</sup>**

$R_j$ кўрсатки- чининг шифри	$R_j$ кўрсаткичнинг номи	«Кўкон СФЗ» АЖ	«Фарғонаазот» АЖ	«Максам-Чирчиқ» АЖ	«Аммофос- Максам» АЖ	«Навоийазот» АЖ
R <sub>1</sub>	Молиявий	2,01	2,91	3,11	2,66	1,73
R <sub>2</sub>	Иқтисодий	2,54	2,47	3,62	2,50	2,08
R <sub>3</sub>	Маркетинг	1,74	3,09	2,88	3,01	2,88
R <sub>4</sub>	Бошқарув	1,89	1,57	2,95	2,24	1,96
R <sub>5</sub>	Инвестицион жозибадорлик	1,63	1,86	2,34	2,75	1,37

Келтирилган ҳисоблаш усулидан кузатиш мумкинки, ўрганилаётган 5 та корхона орасида молиявий ҳолат бўйича энг юқори кўрсаткич «Максам-Чирчиқ» АЖ (3,11), энг паст кўрсаткич «Навоийазот» АЖ (1,73) га тенг бўлган.

<sup>23</sup> Белостокова В.Ю. Анализ методов оценки конкурентоспособности компании на промышленном рынке. Управление экономическими системами. 2015. №7. URL: <http://uecs.ru/uecs-79-792015/item/3636>.

<sup>24</sup> «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2018 йидаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Умуман, рақобатбардошлик кўрсаткичлари бўйича мазкур корхоналар орасида «Максам-Чирчиқ» АЖ, «Аммофос-Максам» АЖ ҳамда «Фарғонаазот» АЖ ни қайд этиш мумкин. Жадвалга эътибор берилса, «Максам-Чирчиқ» АЖ ҳамда «Аммофос-Максам» АЖларининг рақобатбардошлик кўрсаткичлари бошқа корхоналарга нисбатан ижобий эканлиги кузатилади. Чунки 2010 йилда «Максам-Чирчиқ» АЖга Испаниянинг «Махам Corp. International S.L.U.» компаниясининг инвестицияси жалб этилган ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар киритилган. 2009 йилда «Аммофос-Максам» АЖнинг 49 фоиз акцияси ҳам «Махам Corp. International S.L.U.» компаниясига сотилган. Бу эса корхонанинг рақобат кўрсаткичлари яхшиланишига сабаб бўлган.

Тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни фаоллаштириш ва уларга хизмат қиладиган рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган давлат сиёсатининг амалга оширилиши ва унинг натижадорлиги ўрганилганда «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги корхоналарда давлат улушининг юқори даражада сақланиб қолиши инвестицион лойиҳаларни корхоналар фаолиятига жалб этишда сезиларли салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун мазкур корхоналардаги давлат улушини хорижий ва маҳаллий инвесторларга сотиш бўйича стратегик дастурларни ишлаб чиқиш зарур.

Бу эса импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўлами ошиши ҳамда миллий корхоналар рақобатбардошлиги ортишига шароит яратади. Натижада ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жорий этилиб, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш ҳамда унинг рақобатбардошлигини таъминлашга доир вазифалар ҳал этилади.

Таҳлиллардан кузатиш мумкинки, рақобатбардошлик кўрсаткичларини баҳолашда молиявий, ишлаб чиқариш, маркетинг, бошқарув ва инвестицион жозибadorликни тавсифловчи омилларнинг ҳар бирини ўрганиш ва таъсир даражасини аниқлаш ҳамда шу орқали корхонанинг рақобатбардошлик даражасини ошириш истиқболли инновацион стратегик режаларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Шунинг учун корхоналарнинг рақобатбардошлик даражасини баҳолаш нафақат истиқболли бизнес-режаларни ишлаб чиқиш, турли стратегияларни қўллаш, балки корхонанинг инновацион ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Юқорида тилга олинган корпоратив тузилмаларда рақобатбардошлик даражасини баҳолаш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш бошқарув тизими билан инновацион жараёнлар самарадорлигининг ўзаро боғлиқлигини илмий тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки корпоратив тузилмаларда рақобат муҳитини шакллантириш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун инновацион жараёнларнинг нисбатан самарали амалга оширилишига имкон яратувчи ташкилий-бошқарув омиллари мавжуд.

Демак, хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритаётган корпоратив тузилмаларда рақобатбардошлик кўрсаткичларини баҳолаш ва уларнинг рақобат муҳитини шакллантириш орқали ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, ЯИМ таркибида саноат улушини

кўпайтириш, ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш имкониятларини яратади. Бунинг натижасида маҳсулот таннархи пасайиши, ишлаб чиқариш қуввати ошиши, маҳсулот сифати яхшиланиши, ресурслар импорти қисқариши, экспорт ҳажми ортиши, тежамкорлик кучайиши, тайёр маҳсулот улуши ўсиши ҳамда рақобатбардошлик кучайишига олиб келади.

Тадқиқотнинг **«Корпоратив тузилмаларда инновацион салоҳиятни баҳолашни ривожлантириш таҳлили»** деб номланган учинчи бобида «Ўзкимёсаноат» АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар иқтисодий ривожлантирилишида инновацион фаолият самарадорлигини таҳлил қилиш, акциядорлик жамиятларида инновацион жараёнларни бошқариш, уларнинг самарадорлигини баҳолашнинг мезон ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда инновацион жараёнларни ташкил этиш ва ривожлантиришда инновацион фаолиятнинг стратегик бошқарув механизмларини жорий этиш масалалари ёритилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, кимё саноатини жадал ривожлантириш ва диверсификация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалиётга жорий этиш, давлат активлари бор корхоналарни тизимли равишда хусусий мулкка сотиш ҳисобига корхоналардаги давлат улушини қисқартириш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш ҳамда корхоналарнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш орқали тармоқнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилувчи минерал ўғитларнинг деярли барчаси маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, азотли ўғитларга ихтисослаштирилган «Максам-Чирчиқ» АЖ, «Фарғонаазот» АЖ, «Навоийазот» АЖ; фосфорли ва комплекс ўғитларга ихтисослаштирилган «Аммофос-Максам» АЖ, «Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» АЖ (Кўқон суперфосфат заводи) энг йирик кимё корхоналаридан ҳисобланади. Шу билан бирга «Деҳқонобод калий заводи» АЖ, «Электрохимзавод» ҚК АЖ, «Кўнғирот сода заводи» МЧЖ, «Самарқандкимё» АЖ ҳам босқичма-босқич янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш амалиёти қўлланмоқда. 2020 йилда соф ҳолда жами 1379,1 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шундан 1006,6 минг тонна азотли, 150,5 минг тонна фосфорли ва 222,0 минг тонна калийли ўғитлар ҳиссасига тўғри келади<sup>25</sup>.

Кимё саноати маҳсулотларининг экспорти кўрсаткичларида сўнгги йилларда пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бунга дунё бозоридаги рақобатнинг кучайиши, инновацион технологияларнинг жорий этилиши ҳамда маҳсулотлар сифатига талаб ортиши каби омиллар таъсир кўрсатмоқда.

---

<sup>25</sup> <https://regulation.gov.uz/oz/document/10472>

**«Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналари акцияларининг тақсимланиши  
бўйича маълумот<sup>26</sup>**

№	Номи	Давлат улуши	«Ўзкимё- саноат» АЖ	Хорижий компаниялар улуши	Жисмоний ва юридик шахслар улуши	Бошқа ташкилотлар
1.	«Ўзкимёсаноат» АЖ	100	-	-	-	-
2.	«Навоийазот» АЖ	49	51	-	-	-
3.	«Фарғонаазот» АЖ	48,05	51	-	0,95	-
4.	«Кўкон суперфосфат заводи» АЖ	70,54	25	-	4,46	-
5.	«Самарқандкимё» АЖ	60,35	39,65	-	-	-
6.	«Жиззах пластмасса» АЖ	61,04	25	-	13,96	-
7.	«Дехқонобод калий заводи» АЖ	0,03	99,97	-	-	-
8.	«Ўзкимёсаноатлойиха» АЖ	7,29	25	-	67,71	-
9.	«Кўнғирот сода заводи» МЧЖ	-	100	-	-	-
10.	«Аммиак ва карбамид заводини қуриш дирекцияси» МЧЖ	-	100	-	-	-
11.	«Максам-Чирчик» АЖ	-	51	49	-	-
12.	«Аммофос-Максам» АЖ	-	51	49	-	-
13.	«Фарғонанефтекимёмонтаж» МЧЖ	-	51	-	49	-
14.	«Электрохимзавод» АЖ	-	26,14	55	18,86	-
15.	«Резинатехника маҳсулотлари заводининг қурилиш бўйича дирекцияси» МЧЖ	-	50	-	-	50
16.	«Ўзкимёимпэкс» МЧЖ	-	85	-	-	15
17.	«Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти» МЧЖ	-	100	-	-	-

Жадвал маълумотлари таҳлиллари кўрсатдики, «Ўзкимёсаноат» АЖнинг акциялари 100 % давлатга тегишли бўлиб, жами 22 та юридик шахслар, шу жумладан республикадаги 9 АЖ, 7 МЧЖ ва бир унитар корхоналарнинг устав капиталда иштирок этади. Компания кимё тармоғидаги аксарият корхоналарнинг 51% дан кўпроқ улушига тўғридан-тўғри эгалик қилади, яъни уларнинг назорат акция пакетига эга. Тадқиқотлар натижасида кимё саноатида фаолият юритаётган корхоналарнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ва рейтингини аниқлаш бўйича услубиёт таклиф этилди (5-жадвал).

<sup>26</sup> «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2019 йилдаги материаллари асосида муаллиф томонидан тузилган.

**Корпоратив тузилмаларнинг инновацион салоҳиятини аниқлаш  
индикаторлари<sup>27</sup>**

№	Индикатор номланиши	Балл
<b>I. Инсон капитални ривожлантириш даражаси (30 балл)</b>		
1	Илмий даражага эга мутахассис ходимларнинг умумий ходимлар сонидagi улуши	5
2	Олий маълумотли ходимларнинг умумий ходимлар сонидagi улуши	6
3	Хорижга стажировка ўташга юборилган мутахассисларнинг умумий ходимлар сонидagi улуши	6
4	Тадқиқотчи, ихтирочи ва рационализаторларнинг умумий ходимлар сонидagi улуши	4
5	Ходимларнинг илмий мақолалари, ходимлар сонига нисбатан	4
6	Инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган мутахассислар	5
<b>II. Инновацияларни молиялаштириш кўрсаткичлари (30 балл)</b>		
1	Тадқиқотлар ва ишланмаларга харажатларнинг ялпи молиявий харажатлардagi улуши	7
2	Ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятини мукофотлаш миқдорининг ялпи молиявий даромаддagi улуши	6
3	Бюртмага асосан олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашга ажратилган маблағнинг ялпи харажатдagi улуши	6
4	Инновацион ривожлантириш жамғармасида шакллантирилган маблағ	6
5	Илмий тадқиқот институтлари билан илмий ишланмаларни бажариш бўйича имзоланган хўжалик шартномалар қиймати	5
<b>III. Инновацион инфратузилмани ривожлантириш ҳолати (15 бал)</b>		
1	Машина, асбоб-ускуна ва дастурий воситалар сотиб олиш умумий харажатларидаги лаборатория жиҳозлари ва кимёвий реактивлар харажатлари улуши	5
2	Ташкил этилган тадқиқот ва ривожланиш (R&D) марказлари	5
3	Асосий фондларни янгилаш даражаси	5
<b>IV. Инновациялардан олинган натижадорлик кўрсаткичлари (25 балл)</b>		
1	Ихтиролар, илмий-техник ва инновацион ишланмаларни химоялаш (топширилган ариза ва олинган патентлар)	5
2	Инновацион маҳсулотлар (хизматлар) нинг жами ишлаб чиқилган маҳсулотлар (хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши	5
3	Олиб борилган R&D тадқиқотлари натижасида яратилган янги маҳсулот турлари	5
4	Янги яратилган маҳсулотлар, технологиялар (хизматлар)ни сотишдан келиб тушган маблағнинг ялпи молиявий даромаддagi улуши	5
5	Бир йилда бажарилган тажриба-конструкторлик ишланмалар сони	5
6	Ихтиролар, илмий-техник ва инновацион ишланмаларни химоялаш (топширилган ариза ва олинган патентлар)	5
<b>Жами</b>		<b>100</b>

<sup>27</sup> Жадвал муаллиф томонидан корхона ва ташкилотларнинг 1-фан ва 1-innovatsiya статистик ҳисоботлари шакллари асосида ишлаб чиқилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, корпоратив тузилмаларнинг инновацион салоҳияти корхонанинг илмий-техник даражасига боғлиқ бўлиб, иқтисодий ўсишнинг ягона манбаларидан бири ҳисобланади. Бу эса иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион даражасини баҳолашда мавжуд инновацион салоҳият, инновацион инфратузилманинг ҳолати, инновацион фаолиятнинг корхона иқтисодий ўсишига қўшаётган ҳиссаси сингари кўрсаткичларда намоён бўлади.

Тадқиқотнинг «**Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш механизмини такомиллаштириш**» деб номланган тўртинчи бобда корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларнинг стратегик бошқарув услубиётини ишлаб чиқиш, кимё саноати соҳасида фаолият юритаётган корпоратив тузилмалар инновацион муҳитини шакллантиришда стратегик бошқарув усулларини жорий этиш ҳамда инновацион жараёнлар стратегиясини бошқариш самарадорлиги борасидаги масалалар атрофлича ёритилган.

Тадқиқотлардан кўринадикки, корхоналардаги моддий-техника базанинг ҳолати ва бозорда маҳсулотларнинг рақобатга дош бера олмаслиги инновацион жараёнларни стратегик бошқаришда муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Юқоридаги таҳлиллар асосида «Аммофос-Максам» АЖнинг активлар таркибини ташкил этувчи ва уларнинг шаклланишига таъсир этувчи кўрсаткичлар асосида эконометрик модели ишлаб чиқилди. Бу ерда инновацион жараёнига таъсир этувчи омиллардан бири сифатида корхона активларини инновацион фаолиятга таъсирини кўриб чиқиш мумкин. Активлар корхона фаолиятида иштирок этувчи муҳим иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. Янги иқтисодий муносабатлар шароитида мазкур иқтисодий категория етарлича чуқур ўрганилмаган. Шунинг учун унинг тоифаларини аниқловчи асосий тавсифларни ҳар томонлама ўрганиш зарур. Кўпчилик иқтисодчилар активларни ишлатиш муддати бир йилдан ортиқ бўлган активлар сифатида таснифлайдилар: узоқ муддатли капитал қўйилмалар, номоддий активлар, асосий воситалар ва бошқа активлар.

Бунинг учун «Аммофос-Максам» АЖнинг активларидан фойдаланишни кўп омилли эконометрик моделда қатнашувчи омиллар сифатида: натижавий омил – асосий фондлар бошланғич қиймати –  $Y$  (млн. сўм) ва унга таъсир этувчи омиллар сифатида асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми –  $X_1$  (млн. сўм), асосий фондларни ишга тушириш –  $X_2$  (млн. сўм), асосий фондларнинг чиқиб кетиши –  $X_3$  (млн. сўм) ва асосий фондлар эскириши –  $X_4$  (млн. сўм) танлаб олинган.

Кўп омилли эконометрик моделни тузишнинг асосий қоидаларидан бири моделга танлаб олинган омиллар ўртасида боғланиш зичликларини аниқлаш, яъни танлаб олинаётган омиллар ўртасида корреляцион боғланиш ва улар ўртасидаги хусусий боғланишда мультиколлинеарлик муаммосини текшириш ҳисобланади. Бунинг учун омиллар ўртасида корреляция коэффицентлари ҳисобланади (б-жадвал).

**«Аммофос-Максам» АЖ бўйича асосий фондларига таъсир этувчи омиллар ўртасида боғланишларнинг корреляцион матрицаси<sup>28</sup>**

Кўрсаткичлар	Асосий фондлар бошланғич қиймати, Y	Асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми, X1	Асосий фондларни ишга тушириш, X2	Асосий фондларнинг чиқиб кетиши, X3
Асосий фондлар қиймати, Y	1			
Асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми, X1	0,7427	1		
Асосий фондларни ишга тушириш, X2	0,8211	0,4888	1	
Асосий фондларнинг чиқиб кетиши, X3	0,2476	0,2076	0,5396	1
Асосий фондлар эскириши, X4	0,3651	0,0036	-0,3113	-0,1949

Жадвал маълумотларидан кузатиш мумкинки, хусусий корреляция коэффициентлари, яъни натижавий омил (Y) ва асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми ( $r_{YX_1} = 0,7427$ ), асосий фондларни ишга тушириш ( $r_{YX_2} = 0,8211$ ) кучли зичликда ҳамда асосий фондларнинг чиқиб кетиши ( $r_{YX_3} = 0,2476$ ) ва асосий фондлар эскириши ( $r_{YX_4} = 0,3651$ ) омиллари ўртасида зич боғланишлар мавжуд бўлиб, омиллар ўртасидаги ўзаро боғланишда мультиколениарлик мавжуд эмаслиги аниқланди.

Олиб борилган эконометрик таҳлиллар асосида «Аммофос-Максам» АЖ асосий фондлари таркибини ўзгариши таҳлил қилинди. Чунки, корпоратив тузилмаларда асосий фондлар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи, иқтисодий ўсишни таъминловчи барча омиллар ичида асосий ўринни эгалайди. Асосий фондлар жамият моддий ресурсларининг асосий қисмини ташкил этади. Уларнинг 65% дан кўпроғи асосий ишлаб чиқариш фондларига тўғри келади. Натижада асосий фондларнинг эскириши маҳсулот таннархига ёки ишлаб чиқариш харажатлари ўзгаришига бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшиланиши ва зарур айланма фондлар билан таъминланганлик даражаси сингари омилларга эътибор қаратиш лозим. Юқоридагиларни эътиборга олиб Eviews дастури ёрдамида танланган омилларни натижавий омил билан боғланишининг регрессия тенгламаси тузилади ва мазкур тенглама ҳамда параметрларнинг ишончли, адекват эканлигини мезонлар асосида текширилади (7-жадвал).

<sup>28</sup> Жадвал «Аммофос-Максам» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

**Асосий фондларига таъсир этувчи омиллар ўртасида  
боғланишларнинг регрессия тенгламасининг мезонлар текшируви<sup>29</sup>**

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
			2,178812827	
X <sub>1</sub>	-0.035841	0.025320	-1.415530	0.0046
X <sub>2</sub>	0.489479	0.136069	3.597287	0.0070
X <sub>3</sub>	-0.01840	5.463791	-0.003368	0.0351
X <sub>4</sub>	0.967340	0.304120	3.180991	0.0151
C	1386.1155	339.4133	4.083857	0.0210
R-squared	0.862453	Mean dependent var		1453.693
Adjusted R-squared	0.793680	S.D. dependent var		886.9738
S.E. of regression	402.8856	Akaike info criterion		15.11891
Sum squared resid	1298534.	Schwarz criterion		15.33619
Log likelihood	-93.27288	Hannan-Quinn criter.		15.07424
F-statistic	12.54050	Durbin-Watson stat		2.045782
Prob(F-statistic)	0.001593			

Жадвал маълумотларида келтирилган коэффицент қийматларидан фойдаланган ҳолда «Аммофос-Максам» АЖ асосий фондлари ва унга таъсир этувчи омиллар билан кўп омилли эконометрик модели қуйидаги кўринишга эга:

$$y = -0,04 * X_1 + 0,5 * X_2 - 0,02 * X_3 + 0,97 * X_4 + 1386,1$$

Ушбу регрессия тенгламасини ишончли адекватлигини биринчи навбатда параметрлар аҳамиятлигини t - Statistica мезони билан текширамиз. Бунда df=12 ва  $\alpha=0,05$  бўлганда  $t_{жад}=2,179$  га тенг бўлиб,  $t_{жад} < t_{хис}$  шартга кўра, X<sub>1</sub> ва X<sub>3</sub> параметрлар аҳамиятсизлиги аниқланди. Бундай ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида параметрлар аҳамиятлигини яна бир марта Mean Absolute Percent Error – MAPE $\leq 30$  ва Тейл тенгсизлиги коэффиценти – TIC $< 1$  мезонлари бўйича текшириш мақсадга мувофиқ.

Олинган натижада коэффицент миқдорларини ифодаловчи R<sup>2</sup> детерминация коэффиценти 0,862453 га тенг бўлди. Бу эса натижавий омилнинг танланган омиллар билан етарлича кучли алоқада эканлигини кўрсатади, яъни «Аммофос-Максам» АЖ асосий фондлари 86,25 фоизга кўп омилли эконометрик моделга киритилган асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми (X<sub>1</sub>), асосий фондларни ишга тушириш (X<sub>2</sub>), асосий фондларнинг чиқиб кетиши (X<sub>3</sub>) ва асосий фондлар эскиришига (X<sub>4</sub>) боғлиқ экан. Қолган 14,75 фоизи эса, ҳисобга олинмаган омиллар таъсирidir.

Юқорида олинган модел асосида «Аммофос-Максам» АЖда асосий фондларининг 2020-2025 йиллар учун прогнози амалга оширилди.

<sup>29</sup> Жадвал «Аммофос-Максам» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Бунинг учун ҳар бир таъсир этувчи омилнинг вақт бўйича тренд моделлари тузилади.

$$y = -0,04 * X_1 + 0,5 * X_2 - 0,02 * X_3 + 0,97 * X_4 + 1386,1$$

Яъни натижавий омил тенгламасига таъсир этувчи  $X_1$ ,  $X_2$ ,  $X_3$  ва  $X_4$  омиллар вақтга боғлиқ деб олинади.

$$X_1 = 77,1 + 22,9 * t;$$

$$X_2 = 85,2 + 23 * t;$$

$$X_3 = 89,5 - 0,4 * t;$$

$$X_4 = 89,8 + 121,8 * t;$$

**8-жадвал**

**«Аммофос-Максам» АЖ асосий фондларининг 2020-2025 йиллар учун прогноз қийматлари<sup>30</sup>**

Йиллар	Асосий фондлар бошланғич қиймати, Y	Асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажми, X1	Асосий фондларни ишга тушириш, X2	Асосий фондларнинг чиқиб кетиши, X3	Асосий фондлар эскириши, X4
2020	3313,3	397,7	407,2	83,9	1795,0
2021	3442,0	420,6	430,2	83,5	1916,8
2022	3570,7	443,5	453,2	83,1	2038,6
2023	3699,5	466,4	476,2	82,7	2160,4
2024	3828,2	489,3	499,2	82,3	2282,2
2025	3957,0	512,2	522,2	81,9	2404,0

Шу билан бирга эскирган асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш харажатларини қоплашнинг асосий манбаси корхоналарнинг ўз маблағлари, яъни амортизация ажратмалари, фойда ва даромадлари ҳисобланади. Корхоналарда ишлаб чиқариш фондларини янгилаш орқали маҳсулот турини кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш эвазига ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш имконияти пайдо бўлади. Корхона активлари таркибидаги давлат улушини хусусий секторга сотиш, ўз навбатида, корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнлар натижадорлигини ошириш билан бирга инновацион ва инвестицион лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун йўл очади.

Сўнгги йилларда жаҳонда кимё саноати жадал суръатларда тараққий этиб, саноат тармоқларига хомашё, турли материаллар ва буюмлар етказиб берувчи муҳим тизимга айланди. Шу боис кимё саноати олдида турган стратегик вазифалардан келиб чиқиб, «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидаги корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ҳамда инновацион жараёнларнинг асосий тенденцияларини кузатиш ва стратегик бошқаришнинг самарали воситаларидан фойдаланиш асосида тармоқнинг 2035 йилгача прогноз параметрлари ишлаб чиқилди.

<sup>30</sup> Жадвал «Аммофос-Максам» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

**9-жадвал**

**«Ўзкимёсаноат» АЖ фаолияти иқтисодий кўрсаткичлари прогнози<sup>31</sup>**

Кўрсаткичлар	Меъёрий даража	2018	2019	вариант	Йиллар бўйича прогноз			2019 нисбатан 2035 й.да, % да
					2025	2030	2035	
Активлар рентабеллиги коэффициенти	min 5 (мақбул 10-15)	3,88	4,69	1	4,95	5,11	5,18	110,4
				2	5,01	5,12	5,37	114,4
				3	5,04	5,39	5,44	115,9
Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти	min 1	0,52	0,61	1	0,76	1,02	1,25	204,9
				2	0,81	0,99	1,24	203,3
				3	0,97	1,16	1,28	209,8
Тўлов қобилияти (қоплаш) коэффициенти	min 1 (мақбул 1-2)	1,13	1,14	1	1,18	1,25	1,34	117,5
				2	1,21	1,32	1,33	116,6
				3	1,22	1,27	1,35	118,4
Молиявий мустақиллик коэффициенти	min 0,5 (мақбул 0,65-0,75)	0,20	0,28	1	0,4	0,5	0,51	182,1
				2	0,5	0,5	0,53	189,2
				3	0,5	0,6	0,56	200,0
Мутлақ ликвидлик коэффициенти	min 0,2	0,05	0,06	1	0,11	0,17	0,21	350,0
				2	0,09	0,14	0,23	383,3
				3	0,10	0,18	0,27	450,0
Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти	max 0,5	0,57	0,52	1	0,49	0,45	0,41	122,9
				2	0,48	0,43	0,37	131,2
				3	0,45	0,40	0,35	135,4
Молиявий левераж коэффициенти	min 0,3 (мақбул 0,5-0,7)	0,08	0,15	1	0,21	0,27	0,31	206,6
				2	0,22	0,26	0,33	220,0
				3	0,25	0,28	0,37	246,6
Харажатлар рентабеллиги коэффициенти	min 0,05	0,02	0,03	1	0,04	0,08	0,09	300,0
				2	0,05	0,07	0,10	333,3
				3	0,07	0,09	0,12	400,0
Акциядор (хусусий) капитали рентабеллик коэффициенти	min 0,15	0,05	0,11	1	0,15	0,16	0,18	163,6
				2	0,16	0,17	0,19	172,7
				3	0,18	0,21	0,25	227,2
Инвестиция рентабеллиги коэффициенти	min 1	0,33	0,58	1	0,35	0,58	0,97	167,2
				2	0,41	0,68	0,99	170,6
				3	0,64	0,78	1,07	184,5
Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	min 0,2	0,09	0,14	1	0,17	0,18	0,21	150,0
				2	0,18	0,21	0,24	171,4
				3	0,21	0,29	0,36	257,1
Республика саноатидаги улуши, % да		1,8	2,0	1	2,1	2,3	2,5	138,8
				2	2,0	2,2	2,4	133,3
				3	2,2	2,4	2,7	150,0
Республика экспортидаги улуши, % да		1,2	1,3	1	1,5	1,8	2,0	145,7
				2	1,5	1,7	2,1	152,3
				3	1,5	1,8	2,2	169,2

Жадвал маълумотларига кўра, «Ўзкимёсаноат» АЖнинг энг яқин – 2025 йилгача, ўртача – 2030 йилгача ва энг узоқ – 2035 йилгача бўлган

<sup>31</sup> «Ўзкимёсаноат» АЖ маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

муддатлардаги прогнозларига пессимистик, оптимистик ва динамик ривожланиш сценарийлари ишлаб чиқилди. Пессимистик сценарийга кўра корхона раҳбарияти, менежерлари, маҳаллий ҳокимият вакиллари ёки давлат томонидан муваффақиятсиз амалга оширилган ислохотлар, нотўғри қабул қилинган қарорлар натижасида юз берган ҳолатларни тизимли ўрганган ҳолда ташқи конъюнктура ва хусусийлаштиришни эътиборга олган ҳолда ўрта ва узоқ муддатли бизнес стратегиялар ишлаб чиқилади.

Оптимистик сценарийда эса жаҳонда юз бераётган глобал ўзгаришлар, ташқи салбий конъюнктура, жаҳон бозоридаги кескин бурилишлар, молиявий, экологик, табиий офатлар натижасида келиб чиқувчи инқирозлар, иқтисодий тебранишлар, фавқулодда ҳолатларни эътиборга олган ҳолда корхоналарни ҳудудлар шароитидан келиб чиқиб, устувор соҳаларни комплекс ривожлантиришга қаратилган стратегиялар ҳамда йўл хариталари ишлаб чиқилади.

Учинчи сценарийда таклиф этилаётган инновацион ривожланишнинг динамик сценарийси ишлаб чиқаришни диверсификациялашга асосланган технологик трансформация асосида ривожлантиришни назарда тутди. Мазкур сценарийни амалга ошириш натижасида 2035 йилга келиб, кимё саноатида экспорт таркиби юқори даражада қайта ишланган товарлар фойдасига сезиларли даражада ўзгариб, мамлакатдаги саноат маҳсулотлари экспортида кимё саноатининг улуши 2,2 фоиздан ортади.

## ХУЛОСА

Диссертация мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Асосий тармоқларда фаолият юритаётган корхоналарда давлат улушининг катта қисмини сақланиб қолаётганлиги боис стратегик қарорларни қабул қилиш ва янгиликларни жорий этишда ўта эҳтиёткорлик билан ёндашилмоқда (2020 йил 1 январь ҳолатига давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган корхоналар сони 2503 тани ташкил этмоқда). Натижада корпоратив тузилмаларда асосий фондларнинг моддий ва жисмоний эскириши ва маҳсулот ишлаб чиқаришдаги энергия сиғими ошиши юзага келмоқда.

2. Ишлаб чиқариш соҳасидаги давлат улуши мавжуд корхоналарда ходимларга иш ҳақини белгилаш анъанавий тартибда амалга оширилаётганлиги натижасида малакали кадрларга муносабат малакаси, иштиёқи ва билими паст бўлган ходимлар билан тенглашишига олиб келмоқда. Натижада юқори малакали мутахассис ходимларни давлат улуши мавжуд корхоналарда олиб қолиш имкониятлари чекланмоқда.

3. Тармоқларда инновацион ёндашувлар орқали меҳнат унумдорлигини ошириш, соҳанинг рақобатбардошлигини кучайтириш бўйича аниқ механизм ва тадбирларга асосланган инновацион сиёсат ва стратегиялар ишлаб чиқилмаган. Бунда тармоқ кесимида илмий тадқиқот мавзусини танлашга асос бўладиган иқтисодий-технологик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва тегишли маълумотлар базасини шакллантириш йўлга қўйилмаган. Фан, таълим

ва ишлаб чиқариш ўртасида узвий инновацион корпоратив ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

4. Давлат улуши мавжуд корхоналарни инновацион ривожлантиришга қаратилган таъсирчан норматив-ҳуқуқий база мавжуд эмас. Қабул қилинган қарорлар асосан тавсия характерига эга.

5. «Ўзкимёсаноат» АЖда ўтказилган таҳлиллар натижасида шундай хулосага келиндики, тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, инвестицияларни ўзлаштириш бўйича олдинги йилларга нисбатан ўсиш тенденцияси мавжуд. Бироқ сўнгги 10 йилда соҳанинг айрим корхоналарида иқтисодий ва инновацион кўрсаткичлар бўйича салбий тенденция мавжуд. Шунинг учун кимё соҳасидаги корхоналарда биринчи навбатда давлат улушини қисқартириш, корхоналарни бошқаришда давлат иштирокини камайтириш орқалигина инновацион салоҳиятни ошириш, инновацион фаолият билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, инновацион жараёнларни стратегик бошқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини таъминлаш мумкин.

6. Диссертацияда кимё саноати соҳасидаги акциядорлик жамиятларида инновацион жараёнларнинг бошқарув тизими шаклланган ва у ҳозирда ривожланиб бормоқда деган хулосага келинди. Бироқ кимё саноати соҳасидаги корхоналарда инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқарув тизимида аниқланган муаммоларни ҳал этиш, инновацион жараёнларни самарали бошқариш механизмларини такомиллаштириш учун қуйидагилар таклиф этилади:

корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни фаоллаштириш, янги маҳсулотларни яратиш ва даромадларини ошириш, топ-менежментнинг (раҳбарият) стратегик бошқарувчилик салоҳиятини баҳолашни ташкил этиш мақсадида иқтисодиёт субъектларининг инновацион ривожланганлиги даражасини баҳолашга қаратилган «Инновацион фаоллик рейтинги»ни жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг «Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари бажарилиши ҳамда олий тоифали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш тўғрисида»ги 1-фаз шакли ва «Инновацион фаолият тўғрисида»ги 1-innovatsiya шаклини «Инновацион фаоллик рейтинги»ни аниқлашга доир индикаторларга мувофиқлаштириш;

акциядорлик жамиятларидаги турли манфаатдор гуруҳларнинг кузатув кенгаши қарорига бир томонлама таъсирининг олдини олиш ҳамда бошқарув самарадорлигини таъминлаш мақсадида кузатув кенгаши таркибидаги мустақил аъзолар сонини камида учдан бир қисмга қадар ошириш;

корпоратив бошқарувнинг назорат ва ҳисобдорлик механизмларини янада самарали ишлашини таъминлаш, молиявий рағбатлантиришни кафолатлаш ҳамда кузатув кенгаши аъзоларини акциядорлар олдидаги жавобгарлик ва маъсулиятини ошириш мақсадида кузатув кенгашлари ваколат муддатини бир йилдан камида уч йилгача узайтириш;

корxonанинг инвестицион жозибаторлигини ошириш учун жамиятнинг йирик акциядорлари (инвесторлар) билан миноритар акциядорлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида акциядорлик жамиятлари фаолиятига «акциядорлик келишуви» (shareholders agreement) воситасини қўллаш;

акциядорлик жамиятларининг инновацион салоҳиятини рейтинг усулда баҳолашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар таркибига «инновацион инфратузилма» ва «инновацион фаолият натижадорлиги» индикаторларини киритиш;

«Ўзкимёсаноат» АЖ ва унинг таркибидаги корxonалар учун 2035 йилга қадар мўлжалланган «Корxonаларни инновацион ривожлантириш концепцияси»ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат иштироки мавжуд бўлган корпоратив тузилмаларнинг тармоқ ва соҳалар кесимида инновацион фаолият даражасига қараб миллий рейтинг тизимини ишлаб чиқиш ва мониторингини ташкил этиш;

корxonаларни инновацион бошқаришда менежер ва маркетингларнинг Фраскати ва Осло қўлланмаларидан фойдаланиш бўйича малакаларини ошириш зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**РАСУЛОВ НОДИРБЕК МАДРАХИМОВИЧ**

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ СТРАТЕГИЧЕСКОГО  
УПРАВЛЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В  
КОРПОРАТИВНЫХ СТРУКТУРАХ**

**08.00.13 – Менеджмент (экономические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора экономических наук (DSc)**

**Ташкент – 2021**

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована под номером №B2017.1.DSc/Iqt33 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tsue.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

**Научный консультант:** Зайнутдинов Шавкат Нуритдинович  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Махмудов Носир Махмудович  
доктор экономических наук, профессор  
Рахимова Дилфуза Нигматовна  
доктор экономических наук, профессор  
Отажонов Шухрат Ибраимжонович  
доктор экономических наук


**Ведущая организация:** Ташкентский химико-технологический институт


Защита диссертации состоится «27» 05 2021 года в «14<sup>00</sup>» часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2020.I.16.02 по присуждению ученой степени при Ташкентском государственном экономическом университете. (Адрес: 100066, г. Ташкент, ул. Ислама Каримова, д.49. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: tdiu@tsue.uz.)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (внесен в список под №1042).  
(Адрес: г. Ташкент, ул. Ислама Каримова, д.49. Тел.: (99871) 239-28-74).

Автореферат диссертации разослан «12» 05 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 2 от «12» 05 2021 года).



  
**М.П. Эшов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.э.н.,  
доцент

  
**Д.М. Мавлянова**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.ф.э.н.  
(PhD)

  
**Ш.Дж. Эргашходжаева**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.э.н., профессор.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой экономике организация и развитие корпоративных структур, применение инновационных процессов в их деятельности, модернизация отраслей и предприятий реального сектора экономики, применение современных и эффективных методов управления становятся одним из основных средств экономического развития. «36 процентов наукоемкой продукции на мировом рынке приходится на долю США, 30 % на долю Японии, 22 % на долю Китая. В рейтинге стран по количеству занятыми научными исследованиями в расчете на миллион человек, Израиль занимает 1-е место, где этот показатель составляет 8250 человек, Южная Корея – 2-е место (7113 человек), Япония – 3-е место (5210 человек). На научные исследования правительство Южной Кореи расходует 4,3 % от ВВП, или 73,1 млрд. долл. США, государство Израиль профинансировало научно-исследовательские работы в размере 4,2 % от ВВП, Япония – 3,4 %, Швеция – 3,1 % от ВВП или 14,2 млрд. долл.США. финансируются научно-исследовательские работы»<sup>1</sup>. Исходя из этого в развитии мировой экономики корпоративные структуры имеют относительный приоритет и требуют совершенствования методологии стратегического управления в корпорациях инновационными процессами.

В мировой практике в условиях стремительного развития цифровой экономики особое внимание уделяется исследованиям, проводимым по совершенствованию системы стратегического управления инновационными процессами в хозяйствующих субъектах в форме корпоративной структуры, проводится эффективная работа по внедрению современных методов управления, по обеспечению открытости для участников корпоративного управления, по определению стратегии инновационного развития предприятий и по оценке эффективности их деятельности. Совершенствование средств и принципов стратегического управления инновационными процессами в корпоративных структурах нашей страны, разработка научно-методологических основ стратегического управления инновационными процессами, снижение государственного участия в экономике и дальнейшее улучшение конкурентной среды имеет важное значение.

В последние годы в Узбекистане проводятся широкомасштабные реформы по кардинальному изменению подходов к системе управления корпоративными структурами, по правильному выстраиванию корпоративных отношений, по сокращений доли государства, по следовании международно признанным принципам эффективного управления инновационными процессами, по ускорению процессов повышения конкурентоспособности страны. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы отмечено «... стимулирование инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в

---

<sup>1</sup> <https://www.worldbank.org>

практику»<sup>2</sup>, «... важным условием динамичного развития Республики Узбекистан является ускоренное внедрение современных инновационных технологий в отрасли экономики, социальную и иные сферы с широким применением достижений науки и техники»<sup>3</sup>, а также поставлены важные задачи. Эффективные решения таких задач обеспечит эффективность их деятельности за счет совершенствования организационной структуры Наблюдательного совета акционерных обществ, регулирование отношений между крупными и миноритарными акционерами, внедрение в акционерных обществах практик управления рисками и контроля, совершенствование рейтинговой системы развития инновационного потенциала, прогнозных параметров и совершенствование механизмов стратегического управления инновационными процессами на основе международных стандартов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, указанных в Указах Президента Республики Узбекистан от 29 ноября 2017 года № УП-5264 «Об образовании Министерства Инновационного развития Республики Узбекистан», от 22 января 2018 года № УП-5308 «О государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий», от 21 сентября 2018 года № УП-5544 Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы», от 24 ноября 2018 года № УП-5583 «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов финансирования проектов в сфере предпринимательства и инноваций», а также в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 5 мая 2018 года № ПП-3697 «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики», от 6 августа 2018 года № ПП-3899 «О мерах по повышению эффективности системы интеграции научной и инновационной деятельности» и в других нормативных документах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>4</sup>.**

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>3</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 21 сентября 2018 года № УП-5544 «Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы». // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>4</sup> Обзор зарубежных исследований по теме диссертации подготовлен на основании следующих источников: Kim, Gwang Gyu. An analysis of structure and process of corporate alliance development using system architecture frameworks//[www.dspace.mit.edu/handle/1721.1/42362](http://www.dspace.mit.edu/handle/1721.1/42362), Tan, Denise, S.M. Corporate governance: the case for Asian REITs. Massachusetts Institute of Technology// <https://dspace.mit.edu/handle/1721.1/54865>, Principles of Corporate Governance, Harvard Law School Forum on Corporate Governance// <https://corpgov.law.harvard.edu>, Dave Power. Innovation Strategy: 4 Key Tactics of Top Growth Companies// <https://blog.dce.harvard.edu/professional-development/innovation-strategy-4-key-tactics-top-growth-companies>, Innovative Infrastructure Investment/ reports// <https://www.smithschool.ox.ac.uk/research/innovative-infrastructure-investment/outputs.html>.

Вопросами совершенствования методологии стратегического управления инновационными процессами в корпоративных структурах занимаются ведущие мировые научно-исследовательские центры и высшие учебные заведения, в том числе Massachusetts Institute of Technology (США), Stanford University (США), Harvard University (США), University of Oxford (Великобритания), ETH Zurich (Swiss Federal Institute of Technology), National University of Singapore (NUS), Tsinghua University (Китай), Australian National University (Австралия), The University of Tokyo (Япония), University of Toronto (Канада), Seoul National University (Южная Корея), Ludwig-Maximilians-Universitat Munchen (Германия), Санкт-Петербургский государственный экономический университет, Российский экономический университет имени Г.В.Плеханова, Уральский государственный экономический университет, Российская Высшая школа экономики (Россия), Институт прогнозирования и макроэкономических исследований и Ташкентский государственный экономический университет (Узбекистан).

В мире проведено ряд исследований по научно-методическим, организационно-экономическим, социально-политическим, финансово-экономическим основам эффективного управления инновационными процессами в корпоративных структурах, в том числе в области оценки инновационного потенциала предприятий: экономическая эффективность, кадровый потенциал, технологический уровень, инновационная активность, организационный менеджмент, финансовые риски, платежеспособность предприятий, погашение долгов, дивидендная политика, инновационные проекты (Euromoney, Лондон); обоснована взаимосвязь между инвестиционными, инновационными проектами и темпами экономического роста с помощью эконометрических методов (International Monetary Fund, IMF); механизмы предотвращения рисков, возникающих в инновационной деятельности (Improving system assessment and risk management in the field of innovation activity – Oxford University, Великобритания); предложены механизмы активизации инновационных процессов через финансовые стимулы для миноритарных акционеров и трансформацию корпораций (University of Leeds, Великобритания); развитие инновационной экономики на основе повышения инновационного потенциала регионов (Российский экономический университет им. Г.В. Плеханова, Россия); обоснована экономическая эффективность совершенствования методологии стратегического управления инновационными процессами (Институт экономики и организации промышленного производства, Россия), повышена эффективность организационно-экономических механизмов управления инфраструктурой инноваций (Ташкентский государственный экономический университет, Узбекистан).

В настоящее время ведутся приоритетные научно-исследовательские работы по изучению методологии стратегического управления инновационными процессами, в том числе: моделирование конкурентоспособности и динамического развития корпоративного сектора; создание сбалансированных механизмов корпоративного управления в

экономике; внедрение цифровых технологий для эффективного управления инновационными процессами в корпоративных структурах; внедрение системы управления рисками и контроля в соответствии с международными стандартами в стратегическом управлении инновационными процессами; разработка стратегий трансформации корпоративных структур в «умные» предприятия, трансформация государственных предприятий.

**Степень изученности проблемы.** Проблемы стратегического управления инновационными процессами в корпоративных структурах, в том числе вопросы его совершенствования, широко изучены учеными и специалистами отечественных и зарубежных научных школ. В том числе они находят свое отражение в научных исследованиях таких зарубежных ученых-экономистов, как И.Ансофф, В.Беренс, П.Друкер, А.Клайнкнехт, Г.Менш, М.Портер, Б.Санто, Б.Твисс, О.Тоффлер, К.Фримэн<sup>5</sup>, Г.Хакен, Й.Шумпетер<sup>6</sup>.

По направлению этих проблем в научных исследованиях российских ученых-экономистов таких, как И.Т.Балабанов, В.Н.Гунин, Е.А.Лаптева, С.Иванов, Г.Клейнер, Е.Князев, Е.Кузнецова, А.Куклин, В.Г.Медынский, Э.Мингалеева, А.Петров, В.Радаев, О.Романова, А.Самарский, В.Свечникова, Ю.В.Яковец<sup>7</sup> и др., исследованы вопросы организации и управления инновационными процессами в корпоративных структурах.

Научные исследования по стратегическому управлению корпоративными структурами и инновационными процессами в Узбекистане проведены в научных исследованиях ученых-экономистов нашей страны, таких как А.Рузматов, Д.Кокурин, Б.Абдуллаев, М.Махкамова, Т.Тошпулатов, Г.Хамдамова, Г.Хасанова, Х.Набиев, Н.Намазова, З.Мукумов, Ш.Отажонов, Ш.Синдаров, И.Солиев, Г.Хатамова, Н.Алимова, А.Ёкубжонов, Р.Назарова, С.Ачилова, З.Гаибназарова, Ш.Назаров, С.Умаров, Г.Шахназарова, Т.Тешабаев, Г.А.Хашимов, Р.Нурымбетов, Д.Суюнов, М.Хамидулин, Д.Қосимова, М.Амонбоев, Н.Пулатов, М.Ташходжаев, Ш.Зайнутдинов, М.Икрамов, Б.Беркинов, Д.Рахимова, Б.Ходиев<sup>8</sup> и других ученых.

---

<sup>5</sup> [http://redesist.ie.ufrj.br/globalics/pdfs/GLOBELICS\\_0079\\_Freeman.pdf](http://redesist.ie.ufrj.br/globalics/pdfs/GLOBELICS_0079_Freeman.pdf)

<sup>6</sup> Бовин А.А., Чередникова Л.Е., Якимович Управление инновациями в организации: учеб.пособие. – М.: Омега – Л, 2006. – 415 с. 211-212., М.А. Гершман В.Я. Инновационный менеджмент. – М.: Маркет ДС, 2008. – 200 с., P. Aghion, N. Bloom, R. Blundell, R. Griffith, P. Howitt Competition and Innovation: An Inverted U Relationship// NBER Working Paper. 2002. 9269., M. Dodgson The management of technological innovation: An international and strategic approach. Oxford University Press, 2000, 248 pp.

<sup>7</sup> Лаптева Е.А. Развитие методов оценки инновационного потенциала промышленных предприятий: авторефер. дис... к.э.н. –Саратов, Россия.: Саратовский государственный технический университет имени Гагарина Ю.А, 2014, 28 с., Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов. 6-е изд. – СПб.: Питер, 2008. 448 с., Н. М. Цыцарова. Инновационный менеджмент : учеб. пособие. – Ульяновск : УлГТУ, 2009. – 195 с.

<sup>8</sup> Рузматов А.А. Экономическое стимулирование инновационной деятельности на предприятиях машиностроительного комплекса Республики Узбекистан: авторефер. дис... к.э.н. – Т.: Институт экономики Академии наук РУз., 1994, 28 с., Кокурин Д.И. Экономическое стимулирование развития предпринимательства в промышленной и инновационной сферах Республики Узбекистан. авторефер. дис... к.э.н. – Т.: Институт экономики АН РУз, 1996, 26 с., Абдуллаев Б.А. Инновацион фаолиятнинг бошқарувини такомиллаштириш. и.ф.н. ... дисс. авторефер. –Т., 2002., 27 б., Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан: авторефер. дис. ...д.э.н. – Т.: ТГТУ, 2004. 45 с., Тошпулатов Т.З. Развитие инновационной деятельности в промышленности Республики Узбекистан. авторефер. дис... к.э.н. –Т.: Институт экономики Академии наук Рес. Уз., 2004, 24 с., Хамдамова Г.А. Совершенствование организации управления маркетингом

